

**АРАБ ТИЛИНИ ЎРГАНАЁТГАН ТАЛАБАЛАРНИНГ ТИНГЛАБ
ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

*Даминов Бахромжон Закирджанович,
А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот
институтини мустақил тадқиқотчиси,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
катта ўқитувчиси
dbaha167@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14201207>*

Аннотация: Ушбу мақолада араб тилини ўрганаётган талабаларнинг тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар келтирилган. Ҳозирги кунда олий таълим талабаларига гарб тилларини ўқитиш билан бир қаторда оптимал шароитларда араб тилини ўқитишда тинглаб тушуниш кўникмасини такомиллаштиришнинг ягона ўқув-методик таъминотини жорий этиш, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш ва уни янада юқори методик босқичга ўтказишга хизмат қилиши керак.

Калит сўзлар: араб тили, ўзбек тили, товуш, талаффуз, нутқ, тил системаси, фонема.

Аннотация: В данной статье приведены предложения и рекомендации по совершенствованию методики развития навыков аудирования студентов, изучающих арабский язык. В настоящее время, наряду с обучением студентов высших учебных заведений западным языкам, внедрение единого учебно-методического обеспечения совершенствования навыков аудирования при обучении арабскому языку в оптимальных условиях должно служить повышению эффективности учебного процесса и переводу его на более высокий методический уровень.

Ключевые слова: арабский язык, узбекский язык, звук, произношение, речь, языковая система, фонема.

Нутқ фаолиятининг асосий турларидан саналмиш тинглаб тушуниш ҳам билишга интилишдир. Ҳар қандай билиш жараёнининг эса ҳиссий ва мантиқий томонлари мавжуд. Тинглаб тушунишда мазкур сифатлар узвий боғлиқ ҳолда амал қилади. Тинглаб тушунишнинг механизмлари мазмуни фанда етарлича ўрганилган. Биринчи механизмни руҳшунослар *нутқни идрок этиш*, деб номлаганлар. Бунда муайян сезгилар кўзғалиши назарда тутилади. Бегона тилни билмаган киши уни нафақат тушунмайди, балки бу тилдаги нутқни эшитиш қобилияти ҳам унда йўқ бўлади.

Ушбу механизм эшитиш хотираси механизми билан чамбарчас боғлиқ. Идрок қилиш чоғида нутқий парчани ёдда сақлаш аудиоматрни тушуна олиш имконини яратади.

Ичда гапириш механизми фаолиятига кўра аудиоматнни идрок этиш пайтида нутқ-ҳаракат анализатори ишлайди. Тушуниш даражаси тингланаётган нутқни ички нутқда такрорлашга бевосита боғлиқ. Одам эшитаётганини ичида тақлид йўли билан қайтариб туради. Аудиоматннинг нотаниш ёки қийинроқ жойлари ичда айтиб турилади, тил материали пухта ўзлаштирилган бўлса, ичда такрорлаш хажми камроқ бўлади. Бинобарин, гапириш ва тинглаб тушунишни бирга қўшиб ўрганиш тавсия этилади.

Эшитиш сезгисига келаётган сигналларни хотирада қолипланган андозада солиштириш механизми. Солиштириш шахснинг аввалги тажрибасига, унинг сезги ва ҳиссиётига қараб тўғри-нотўғри бўлиши мумкин. Таълим олувчи тажрибаси деганда, эшитиш ва нутқ ҳаракат сезгилари мияда ҳосил қилган нарсалар тушунилади. Солиштириш натижасида таниб олишга муваффақ бўлинади. Эшитувдан қолган из мустаҳкам бўлса, таниб олиш механизми (солиштириш ва билиб олиш механизми дейилгани афзалроқ) фаолроқ амал қилади. Таъкидлаш жоизки, эшитилаётган ҳодисанинг тўлиқ акси мияда сақланмайди ёки тикланмайди, унинг изи тушади, холос.

Навбатдаги механизмнинг номи *антиципация* деб аталади. Соддароқ қилиб, олдиндан фаҳмлаш дейиш маъкул. Бу механизм ишга тушганда, аудиоматннинг тузилиши (жумлалар ёки сўзлар шакли)ни ёки унинг мазмунини олдиндан билиб олиш имконияти яратилади. Яна бир механизм аудиоматнни мантиқан тушуниш дейилади. Мия фаолиятининг аналитик-синтетик амали асосида ва бошқа имкониятлар доирасида англаш, яъни мантиқан тушуниш рўй беради.

Мазкур механизмларни шакл топтириш оқибатида талабаларнинг тинглаб тушуниш малакаси ҳосил килинади. Тинглаб тушуниш малакаси араб тилида зарурий машқларни бажариш туфайлигина шаклланади ва ривожланади. Таъриф-тавсиф этилган тинглаб тушунишнинг психофизиологик механизмлари таҳлил учунгина айрим номлар билан аталади. Нутқ фаолиятида эса улар яхлитликда намоён бўлади.

Юкорида қайд этилганидек, тинглаб тушунишни ўргатишга махсус вақт ажратилади ва муайян машқлар бажарилади. Араб тилини ўргатишнинг биринчи соатидан бошлаб, то ўқувчи мактабни тугатгунга қадар тинглаб тушунишни ўргатишга эътибор қаратилади.

Ўқув дастурининг оғзаки нутқ қисмидан жой олган умумий талаблардан ташқари фақат тинглаб тушуниш учунгина мўлжалланган жумлалар рўйхати ҳам келтирилади. Булар ўқувчилар фақат ўқитувчини тинглаганда билиб олишга

бериладиган жумлалар эканлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Гапириш ва ўқишда ўзлаштириладиган лексик ва грамматик материални тинглаб тушунишга ҳам оидлиги муаллимларга аён. Таълим оловчиларга тинглаш учун намуна бўлмиш муаллим нутқи катта аҳамиятга молик. Дарсни чет тилда олиб боришнинг методик қоидаларига риоя қилиш зарурдир. Гапириш ва ўқиш материални тинглаб тушуниш ёрдамида мустаҳкамлаш ҳамда такрорлаш ушбу нутқ фаолияти турини таълим воситаси мақомига киритади¹.

Дарс бошланишидаги чет тил сунъий муҳитини яратишга мўлжалланган машқларнинг кўп қисми тинглаб тушуниш бўйича бажарилади. Дарснинг асосий қисми ва якунида ҳам тинглаб тушуниш машқлари муҳим аҳамият касб қилади. Бошқа нутқ фаолияти турларидан фарқли ўлароқ, тинглаб тушуниш араб тилини ўргатиш давомида таълим мақсади ва воситаси тарзида ўрганилади. Мақсад сифатида унинг амалий ўрганилиши чет тилида ахборот олишни билдиради. Барча оғзаки нутқ ва ўқиш мавзулари қамровидаги мазмун тинглаб тушуниш орқали ўзлаштирилади. Гапириладиган ва ўқиладиган пайтда ўзлаштирилган ахборот тинглаб тушуниш учун ҳам тааллуқли. Таълим воситаси сифатида эса, тинглаб тушунишнинг тил материали (лексика, грамматика, талаффуз бирликлари) ни ўрганишда қўллаш назарда тутилади. Янги тинглаб тушуниш уч босқичли жараён бўлиб, умумий эшитув идроки (акустик апперсепсия), сўзларнинг товуш томонини (фонематик) фарқлаш ва моҳиятини англаш орқасида нутқдаги мазмун идрок этилади, билиб олинади ва тушунилади.

Мазкур механизмларни шакл топтириш оқибатида ўрганувчиларнинг тил ўрганиш жараёнида тинглаб тушуниш малакаси ҳосил қилинади. Тинглаб тушуниш малакаси араб тилида зарурий машқларни бажариш сабабли шаклланади ва ривожланади. Тинглаб тушуниш муваффақиятли амалга ошиши учун қуйидаги уч омил назарда тутилади. Тингловчининг ўзига боғлиқлик (хусусан, эшитиш малакасининг ривожланганлиги, хотираси, диққати каби хусусиятлари), тинглаш шарт-шароити (нутқ тезлиги, тил материалининг ҳажми ҳамда шакли) ва шу билан биргаликда қўлланган материалнинг лингвистик жиҳатлари ҳисобга олинади. Ўқитувчи талабанинг идрок қила олиш қобилиятини билиши зарур. Психологларнинг таъбирича, материални, нутқни идрок қилиш, тушуниш хотирада пухта сақланишнинг гаровидир. Ўқитувчи

¹ Бим И. Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и теория школьного учебника. – М.: Русский язык, 2007. – 288 с.

ўргатаётган материални, нуткини доим ўқувчи, талаба онгли тушунсин, англасин. Бунинг учун эса доим ўқитувчи изланишда бўлиши, воситалар топа билиши, уларни қўллай олиш, идрок қилган, қилаолмаганларини текшириб туриши зарур. Идрок қилинмаган нутқ, материал ўқувчининг ёдида, эсида пухта сақланмайди. Р.А.Зарипованинг фикрича, “Идрок сезги органларига таъсир кўрсатиб турган нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгида акс эттирилишларидир”². Чет тилларни ўргатишда биз содда ва мураккаб идрокларга дуч келамиз. Содда идрокка тил материални идрок этишни, мураккаб идрокка эса товушли ёки ёзувда ифодаланган матнларни идрок этишни киритиш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, тингловчи ҳеч бўлмаганда маърузачи сингари шу жараёнда иштирок этиши, суҳбатни тинглаши ва уни идрок этиши керак. Тўлиқ иштирок этишнинг ушбу жараёнини тавсифлаш учун “фаол тинглаш” ибораси ишлатилади. Идрокнинг асосий хусусиятлари шуки, улар ўтмиш тажрибага боғланган бўлиб, фаол ва танлаб олувчанлик характериغا эгадир. Мана шу хусусиятлар чет тилларни ўқитишга тааллуқлидир. Тинглаш қобилиятларини ўргатишнинг самарали, замонавий усуллари билан бир қаторда интерактив машқлар ҳамда multimedia манбалари мавжуд. Тинглаш қобилиятлари яқуний маҳсулотга эмас, балки кўпроқ ўқув жараёнига йўналтирилган оддий, қизиқарли машғулотлар орқали самарали ўрганилади. Тил ўқитиш жараёнида тинглаш қобилиятларини кучайтиришнинг самарали усулларида бири бу ўзаро интервьюлар ташкил этишдир. Ўрганувчилар икки ёки уч кишилик кичик гуруҳларга тайинланган ҳолда маълум бир тинглаш жараёнини ташкил этиши мумкин. Ўзаро алоқа қилиш орқали тинглаш қобилиятини ривожлантиришга имконият беради. Бундан ташқари каттароқ гуруҳ фаолияти ҳам тингловчиларга тинглаш қобилиятларини ўргатиш учун фойдали усул бўлиб хизмат қилади. Талабалар ҳамма нарсага аҳамият бермайдилар; улар вазифанинг мақсадига мувофиқ танлаб тинглайдилар. Бу ўз навбатида, талаб қилинадиган тинглаш турини ва тингловчиларнинг вазифага қандай яқинлашишини аниқлайди³.

Ҳозиргача машқлар тизими унинг таркибий қисмлари, машқлар тизимининг таснифи борасида бир қанча лингвистик, психолингвистик, дидактик ва педагогик тадқиқот ишлари олиб борилган: (1) чет тил ўқитиш методикасида барча машқларни лингвистик нуқтаи назардан тил ва нутқ машқлари номи билан юритиб келинади⁴; (2) психолингвистик нуқтаи назардан

² Зарипова Р.А. Ўзбек ўрта мактабларида чет тилини ўқитиш методикасининг асосий йўналишлари. Т.: — 2006

³ Richards J.C. The Language Teaching Matrix. New York: Cambridge University Press. — 2000. — 81p.

⁴ Миролюбов А. А., Рахманов И. В. Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси. Тошкент, 2004.

машқлар: а) информатсион – билим ўргатадиган; б) операцион – тил материални ўргатиш орқали кўникмани шакллантирадиган; в) мотивацион – нутқий малака ҳосил қилиш учун бажариладиган гуруҳларга ажратилади⁵; (3) шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва такомиллаштирувчи машқлар⁶ (4) фонетик-орфографик, грамматик билан ишлаш кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган машқлар⁷. Баъзи методист олимлар фикрига кўра «машқ таълим олувчиларга механик жараён сифатида эмас, аксинча, муаммоли вазият сифатида тақдим этилиши лозим»⁸. Машқлар тизимли равишда осондан қийинга, оддийдан мураккабга, билимдан малакани шакллантирувчи вазиятда тақдим этилса, ўқув фани олдида қўйилган мақсадга эришиш мумкин. Сабаби, бугунги кун талаби таълим олувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини реал вазиятда қўллай олиши керак. Тинглаб тушунишга мўлжалланган (аудитив) машқлар тизими мақсадига кўра икки турга бўлинади: махсус ва махсус бўлмаган машқлар. Махсус бўлмаган машқларда тинглаб тушуниш оғзаки тарзда ўргатилади. Шу сабабли дарсни чет тилида ташкил этиш тинглаб тушунишга ўргатишнинг бир босқичларидан бири ҳисобланади. Махсус машқлар эса тинглаб тушунишга тайёрлов ва соф нутқий машқларга ажратилади. Шунингдек, тинглаш қобилиятларини аудио сегментлар, онлайн подкастлар, ўқув маърузалар ва бошқа аудио хабарлар орқали ривожлантирилиши мумкин. Бу жараён самарали ташкил этилиши учун керакли муҳит ҳамда шароит яратилиши лозим (1-чизмага қаранг). Махсус машқлар ўз навбатида тинглаб тушунишга тайёрлов ва соф нутқий машқларга бўлинади. (Биринчисини айрим муаллифлар тил (материали) га оид машқлар дейишса, бошқалари шартли-нутқий машқлар номи билан ҳам юритишади.)

Тайёрлов машқларининг объекти акустик сигнал (яъни кулоққа етказиладиган сўз, жумла, гаплар мажмуи) бўлиб, нутқий машқларда эса таълим олувчи мазмунни эгаллаш билан банд бўлади.

⁵ Бухбиндер В. А. Устная речь как процесс и предмет обучения // Очерки методики обучения устной речи на иностранных языках / под ред. В. А. Бухбиндера. – Киев: КГУ, 1990. –148с.

⁶ Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: чет тиллар олий ўқув юрглари (факултетлари) талабалари учун дарслик / Ж.Ж. Жалолов. — Тошкент: Ўқитувчи, 2012.

⁷ Щукин А. Н. История методов обучения иностранным языкам в схемах и таблицах. М.: 2021. С. 216.

⁸ Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. М., Просвеще ние», 2009. 214 стр.



1-чизма. Араб тилини тинглаб тушунишни ўқитиш методикаси тизими⁹.

Тайёрлов машқидан кўзланадиган мақсад олдиндан (матнни тинглашгача) қийинчиликларни бартараф қилишдир. Тайёрлов машқлари тилга оид ва таълим олувчи психологияси билан алоқадор мушкулотнинг олдини олишда бажарилади. Лисоний қийинчиликларни бартараф этишда ўзга нутқдаги янги қодисаларни топиб фарқлаш ва тушуниб етиш, товуш тимсолини маъноси билан боғлаш, сўз ясалишини фаҳмлаб маъно чиқариш, лексик ва грамматик бирлишнинг контекстдаги маъносини очиш, маънодош (синоним) ва зид маъноли (антоним) ҳодисаларни таниб олиш ва англаш сингари машқлар бажарилади. Улар тинглаб тушунишнинг лексик, грамматик ва талаффузни эшитиш машқлари сифатида намоён булади. Фарқлаш ва ўхшатишдан иборат билиб олиш жараёни ифодаланади.

⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Тинглаш қобилиятларини ўргатиш учун яна бир фойдали манба — бу видео сегментлар, жумладан қисқа эскизлар, янгилик дастурлари, ҳужжатли филмлар, интервью сегментлари ва драматик ва комик материаллар. Овоз сегментларида бўлгани каби, таълим олувчиларларнинг маҳорат даражасига қараб видео сегментнинг қисми ва узунлиги танланади.

Машғулот давомида талаба дастлаб берилган диалогни аудио шаклини тинглаб, уни дафтарда ёзма ифодалайди, сўнгра унинг китобдаги нусхаси билан солиштириб, ўз хатолари устида мустақил ишлайди, сўнг янги сўз ва ибораларни ўзлаштиради. Диалогни тўлиқ ўзлаштириб бўлгач, уни ўқиб диктофонга ёзиши жараёнида ўз нутқи ва талаффузи устида ишлаш кўникмаси шаклланади. Аудио материалларидан фойдаланганда бирор мавзудаги диалог ўрганилгач, унинг лексикасини ўзлаштириш, талабада шу мавзуда суҳбат кура олиш малакасини ҳосил қилиш учун бир неча усуллардан фойдаланиш мумкин.

Кейинги жараёнда ўтилган диалог сўзлари асосида бошқа мазмундаги матн берилади. Янги матн сўзлари талаба учун юз фоиз (100%) таниш бўлиши керак. Талаба матнни тинглаб, уни таржима қилади. Кейинги босқичда ушбу матнни диктант шаклида ёзади. Сўнгра ўз таржимаси ва диктанти қиёсланганида ўзининг хатоларини топиб тўғрилаши мумкин. Бу жараёнда талаба тинглаш, ёзиш компетенцияларини бажаради. Кейинги босқичда ўша мавзу бўйича бошқа матн эшиттирилади, талаба матнни тинглагач, унинг мазмунини сўзлаб беради. Сўзлаб бериш учун матн мазмуни тасвирланган расмлардан ҳам фойдаланиш самаралидир. Чунки талаба расмни тасвирлар жараёнида ўз фикрини қўшимча элементлар яъни сўзлар билан ҳам бойитиши мумкин.

Аудио материал билан ишланадиган кейинги жараёнда талабага матн мазмунидан келиб чиқилган жумлалар берилади. Талаба матнни тинглаш жараёнида ундаги фикр тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб боради. Вазифа сўнггида матнда айнан ўқилмаган лекин матнга оид жумлалар берилиши талабанинг мустақил фикрлашига туртки бўлади. Масалан:

ترك حارث مدينة بغداد. بغداد مدينة جميلة. انتقلت الشركة إلى جدة. حارث مدير الشركة في جدة. جدة مدينة كبيرة وجميلة جدا. يذهب حارث مع أسرته إلى شاطئ البحر. ويذهب حارث إلى مكة أداء العمرة والصلاة في المسجد الحرام. تستغرق الرحلة من جدة إلى مكة ساعة واحدة تقريبا.

Ушбу аудио матнга қуйидаги вазифани бериш мумкин:

Матнни тинглаб, “Ҳа” ёки “Йўқ” жавобини белгиланг.

ترك حارث مدينة بغداد	لا	نعم
انتقلت الشركة إلى بغداد	لا	نعم

نعم	لا	حارث مدير الشركة في بغداد
نعم	لا	جدة مدينة كبيرة وجميلة
نعم	لا	يذهب حارث مع الأصدقاء إلى شاطئ البحر
نعم	لا	ويذهب حارث إلى مكة المكرمة
نعم	لا	تستغرق الرحلة من جدة إلى مكة ساعة ونصف الساعة تقريبا
نعم	لا	يذهب حارث إلى مكة بالسيارة
نعم	لا	حارث الآن في جدة
نعم	لا	أسرة حارث في العراق

Тинглаш жараёнида вазифа талабларини таҳлил қилиш, керакли тинглаш жараёнларини фаоллаштириш, тегишли башорат қилиш, уларнинг тушунчасини кузатиш ва уларнинг ёндашувининг муваффақиятини баҳолаш, улар метакогнитив билимлардан муваффақиятли тинглашни тушуниш учун фойдаланмоқдалар. Бу ўз-ўзини бошқарадиган таълимни ривожлантириш учун жуда муҳимдир.

Талабаларни тинглаш жараёнида уларни бошқариш нафақат тинглаш вазифасини муваффақиятли бажариши мумкин бўлган билимларни беради шунингдек, бу уларни рағбатлантиради ва ўзларининг билимларини назорат қилишни ўз зиммаларига олади.

Шундай қилиб, тинглаш — бу кўринмас ақлий жараён. Тинглаш фаол кўникма ҳисобланади, шу сабабли тил ўқитишда тинглаш жараёнига кўпроқ эътибор бериш керак. Талабалар товушларни фарқлашлари, луғат ва грамматик тузилмаларни тушунишлари ва изоҳлашлари керак. Араб тилида тинглаб тушунишни замонавий ва интерактив аудитив машқлардан фойдаланиб ўрганиш ва ўргатиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бу жаарёнда видео роликларни, намоёишларни, диалогларни, кино ёки ҳужжатли фильмларни кўриши ҳамда эшитиши мумкин. Бундан ташқари араб тилидаги радио эшиттиришлар ва телевидениедаги дастурларни эшитиш ва томоша қилиш ҳам самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бу техник воситалардан фойдаланиш талабаларнинг араб тилини тинглаб тушуниш орқали ўрганишлари жараёнини қизиқарлироқ ва самаралироқ бўлишини таъминлайди.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Бим И. Л. Методика обучения иностранным языкам как наука и теория школьного учебника. – М.: Русский язык, 2007. – 288 с.

2. Бухбиндер В. А. Устная речь как процесс и предмет обучения // Очерки методики обучения устной речи на иностранных языках / под ред. В. А. Бухбиндера. – Киев: КГУ, 1990. –148с.
3. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси: чет тиллар олий ўқув юртлари (факултетлари) талабалари учун дарслик / Ж.Ж. Жалолов. — Тошкент: Ўқитувчи, 2012.
4. Зарипова Р.А. Ўзбек ўрта мактабларида чет тилини ўқитиш методикасининг асоий йўналишлари. Т.: — 2006
5. Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. М., Просвещение», 2009. 214 стр.
6. Миролубов А. А., Рахманов И. В. Ўрта мактабда чет тиллар ўқитишнинг умумий методикаси. Тошкент, 2004.
7. Шукин А. Н. История методов обучения иностранным языкам в схемах и таблицах. М.: 2021. С. 216.
8. Richards J.C. The Language Teaching Matrix. New York: Cambridge University Press. — 2000. — 81p.
9. Даминов, б. (2023). Особенности использования педагогических технологий в обучении арабскому языку. Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования, 2(15), 31–33. Извлечено от <https://www.in-academy.uz/index.php/zdpp/article/view/24788>
10. Daminov Bakhromjon. (2023). Listening and understanding the speech in learning a foreign language. Academia science repository, 4(5), 355–361. Retrieved from <https://academiascience.com/index.php/repo/article/view/688>